

**МАШИНАСОЗЛИК
ТАРМОҚЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА
ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ЎРНИ ВА
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**МЕСТО И ПЕРСПЕКТИВЫ
МАШИНОСТРОИТЕЛЬНЫХ
ОТРАСЛЕЙ В ЭКОНОМИКЕ
РЕСПУБЛИКИ**



АНДИЖОН-2012

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

*Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 20 йиллигига бағишланади*

**МАШИНАСОЗЛИК ТАРМОҚЛАРИНИНГ
РЕСПУБЛИКА ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ЎРНИ ВА
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

республика илмий-амалий конференцияси материаллари
2012 йил 06-07 декабрь

**МЕСТО И ПЕРСПЕКТИВЫ
МАШИНОСТРОИТЕЛЬНЫХ ОТРАСЛЕЙ В
ЭКОНОМИКЕ РЕСПУБЛИКИ**

материалы республиканской научно-практической конференции
06-07 декабря 2012 года

АНДИЖОН-2012

Тижорат банкларини ликвидлигини бошқаришнинг инновацион стратегияси <i>Р.Б.Турсунов, Ш.Хайитбоев</i>	201
Тўлов айланмаси муаммолари ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш <i>Қ.Х.Муфтайдинов, Р.Б.Турсунов, И.Солиев</i>	203
Управление кредитами производственного предприятия <i>Хужамбердиев Ж.</i>	205
Факторы повышения инновационной активности <i>З.Тешабоева</i>	206
Фаол демократик янгиланишлар, мамлакатни модернизациялаш ва унинг мамлакат таракқиётидаги аҳамияти <i>Э.Н.Саримсаков</i>	208
Худуд саноати ривожда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўрни <i>М.Саидова</i>	210
Экономические интересы в инновационной сфере <i>Солиев М</i>	212
Репо битими ҳақида <i>С.Абдуллаев</i>	214
Солиқ имтиёзлари – ривожланиш гарови <i>М-А.Х.Эшонов, Ш.Хўжамбердиев</i>	218
Ҳазначилик тизими орқали бюджет ижросини тиниклигини таъминлаш масалалари <i>Қ.Мамадалиев, Д.Тожибоев</i>	220
Жамиятда инсон омили ва уни фаоллаштириш масалалари <i>Д.Исроилова, Н.Раҳмонлиева (Фар.вил.Фурқат тумани 20-мактаб ўқитувчиси)</i>	223
Жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари <i>М-А.Х.Эшонов</i>	225
Ўзбекистон – Россия: нефт-газ соҳасида ўзаро ҳамкорлик йўлида <i>С.А.Мирзаев</i>	228
Жадидлар томонидан банклар фаолиятини ривожлантириш заруриятининг асосланиши <i>Р.К.Раҳимов</i>	231
Иқтисодий муносабатларда тўлов карточкаларининг роли <i>Б.Абдулазизов</i>	234
Фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш имкониятлари ва йўллари <i>Э.С.Азимжонов</i>	237
Фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг долзарб масалалари <i>Н.Т.Ғаниев</i>	240
Оилани ижтимоий химоялашнинг замонавий тизимини ривожлантириш хусусиятлари <i>С.М.Аъзамов, У.М.Абдурашидов</i>	243
Худуд микёсида сифат бошқарув тизими фаолияти ва ривожланишининг давлат томонидан тартибга солиниши <i>Н. Халилов, А.Сотволдиев, И.Нажмидинов</i>	245
Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарида рақобатбардошлик муҳитини ривожлантириш ва унинг хусусиятлари <i>Ш.Атабоев</i>	248
Рақобат шароитида озиқ-овқат саноатининг маркетинг фаолиятини ривожлантириш тамойиллари ва стратегияси <i>Ш. Атабоев</i>	251

шаҳрида - 3 минг сўм; Нукус шаҳри ва вилоятга бўйсунадиган шаҳарларда - 2 минг сўм; бошқа аҳоли пунктларида - 1 минг сўм миқдоридagi ижара тўлови белгиланди.

Мисол учун, Тошкент шаҳрида кўп қаватли уйдаги умумий майдони 60 квадрат метрдан иборат бўлган квартира ижарага берилганда, ойлик ижара тўлови миқдори 180 минг сўмдан ва ижарага берувчининг декларация асосида ҳисобланадиган даромад солиғи 16,2 минг сўмдан кам бўлмаслиги лозим. Агар ижарага берилган бундай турар жой Нукус шаҳри ва вилоят бўйсунувидаги бошқа шаҳарларда жойлашган бўлса, у ҳолда ижарага берувчининг декларация асосида тўлайдиган ойлик даромад солиғи суммаси 10,8 минг сўмдан, бошқа аҳоли пунктларида жойлашган бўлса, 5,4 минг сўмдан кам бўлмаслиги лозим.

Агар фуқаро томонидан уй-жой ижарасидан олинган даромади бўйича тақдим этган декларациясида ҳисобланган даромад солиғи ижара тўловининг энг кам ставкасидан келиб чиқиб ҳисобланган солиқ суммасидан юқори бўлса, у ҳолда ушбу даромад солиғи бюджетга тўланиши лозим.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, 2012 йил 1 январдан бошлаб фуқаролар томонидан бинони, иншоотни ёки уларнинг бир қисмини, турар жойни ижарага бериш жараёнида ижара шарт номаси тузилиши ва нотариал тасдиқланган бўлиши лозим. Акс ҳолда бу ҳолат маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади. Чунки Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунига кўра, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига янги 159-модда киритилди. Ушбу моддага мувофиқ, фуқаролар ўртасида бинони, иншоотни ёки уларнинг бир қисмини, турар жойни ижарага бериш шартномасининг мавжуд эмаслиги ёхуд ижарага бериш шартномасининг мажбурий нотариал тасдиқланишига риоя қилмаслик - энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Солиқ ставкаларининг пасайтириб борилаётганига қарамадан бюджетга солиқ тушумларининг ўсиши тенденцияси сақлаб қолинмоқда. Бу мамлакатимиз ривож, халқимиз фаровонлигининг муҳим омилidir. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мамлакатимизнинг 2012 йил учун тасдиқланган Давлат бюджети жами харажатларининг 60 фоиздан ортигини ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтириш кузда тутилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ: НЕФТ-ГАЗ СОҲАСИДА ЎЗARO ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

*С.А. Мирзаев,
ТДТУ магистранти*

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларида давлатимиз томонидан ёқилги - энергетика мустақиллигига эришиш вазифаси қўйилди. Суюқ углеводородларни қазиб олиш суръатлари сезиларли даражада ўсди, бу

эса нафақат ички эҳтиёжларни қондириш, балки экспорт бозорига чиқиш имконини ҳам берди.

Ҳозирги кунда нефть - газ конларини қидириш ва излаш, қудуқларни бурғилаш, қонда нефть - газни қазиб олиш ва унинг маҳсулотларини йиғиш ҳамда қувурлар орқали узатиш, нефть - газни қайта ишлаш, ер ости газ омборлари ва санотимиздаги қурилиш ишлари билан шуғулланадиган акционерлик компаниялари, йирик бирлашма ва бошқармаларнинг фаолияти "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси(МХК) томонидан бошқарилади.

Президент Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажмини изчил ва барқарор ўсиб бораётгани эътиборга сазовордир³¹. Айниқса мамлакатимизнинг нефть - газ тармоғини ривожланишида илғор хорижий тажрибаларни қўлланилиши ва чет эл инвестицияларни жалб этилиши муҳим аҳамият касб этади. Инвестицион муҳитдаги позитив ўзгаришлар солиқ борасидаги энгилликлар ҳамда имтиёзлар билан боғлиқдир³². Мамлакатимиз иқтисодиётида, хусусан нефть - газ тармоғида чет эл инвесторлари учун яратилган шарт-шароитлар давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланади.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ислохотлар стратегиясини амалга оширилиши жараёнида, асосий эътибор, ёқилғи - энергетика комплексининг илдам суръатлар билан ривожланишини таъминлаш, нефть ва табиий газ қазиб чиқариш ҳамда уларни қайта ишлаш ҳажмларини ошириб бориш, республиканинг энергетика мустақиллигига эришишга қаратилган.³³

Ҳозирги кунда нефть - газ соҳасида ўнлаб чет эл компаниялари "Ўзбекнефтгаз" Миллий холдинг компанияси билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Бу борада Россия Федерациясининг "Газпром" ва "Лукойл" нефть - газ компанияларининг мамлакатимиздаги фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим бўлади.

Бугунги кунда Россиянинг "Газпром" ва ЛУКОЙЛ компаниялари Ўзбекистон билан истиқболли нефть ва газ структураларини ишлаб чиқиш бўйича келишувга эришган. "Газпром" Ўзбекистоннинг нефть - газ тармоғини ривожланишига йирик маблағларни инвестициялашни бошлаган Россиянинг дастлабки компанияларидан бири бўлди. "Газпром" ОАЖ ва "Ўзбекнефтгаз" МХК ўртасида 2002 йилнинг декабрида газ тармоғида стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги келишувни имзоланиши ёқилғи - энергетика комплексида Россия - Ўзбекистон ҳамкорлигига янги туртки берди³⁴. Ўз навбатида, "Газпром" 2006 йилнинг январида "Ўзбекнефтгаз" билан Устюрт худудининг еттита инвестицион блокининг геологик тадқиқоти ҳамда мамлакат ғарбидаги бир қанча конларнинг маҳсулотларини тақсимлаш принципларини белгилаб берувчи иккита шартнома имзолаган. 2007-2011 йилларда "Газпром"

³¹ Ислоҳ Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Тошкент.: Ўзбекистон, 2009, - 18-бет.

³² Якубов И.О., Очилов К.Т., Абдусатторова Х.М., Сигдиков Л.А. Стратегик режалаштириш(Ўқув қўлланма). - Т.: ТДИУ, 2004, 122-бет.

³³ Икромов М.А., Қўчқоров А.Х. Стратегик менежмент: ўқув қўлланма. - Т.: Гофур Фулом, 2005, 11-бет

³⁴ Андержанов М.А. Выход на новый уровень. «Газпром» подводит итоги успешной работы в Узбекистане и намечает дальнейшие планы. - Ўзбекистон "Нефть ва газ" журнали, 2012, май, 67-бет.

томонидан геология-таджикот ишлари ва конларни ишга тушириш учун 610 миллион доллардан кўпроқ маблағ сарфланди. Айни пайтда Россия компанияси “Шохпахта” конини ишга тушириш олди лойихасида фаолият юритмоқда. 2006 йилда «Кўкдумалок» қўшма корхонасида газни қайта ишлаш кувватининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди. Фаргона нефтни қайта ишлаш заводида газни қисмларга ажратадиган қурилма, Газли – Саримой газ қузури қурилиши якунига етказилди³⁵. “Газпром” газ сотиб олишда Ўзбекистоннинг энг йирик ҳамкоридир.

Айниқса, бешта компания – «Ўзбекнефтгаз», ЛУКОЙЛ, CNPC (Хитой), KNOС (Жанубий Корея) ва Petronas (Малайзия) иштирокидаги Орол денгизининг Ўзбекистон қисмидаги конларнинг геологик таджикот ишларига тайёргарлик кўриш ҳамда ишга тушириш бўйича халқаро консорциумнинг фаолиятини алоҳида қайд этиш жоиз. Стратегик альянс – компанияларнинг ҳамкорлик тўғрисидаги битими бўлиб, унинг бошланғич кўриниши консорциумлар бўлишган, яъни корхоналар ва ташкилотлар, ресурсларни маълум бир аниқ муддат давомида конкрет инвестицион масалаларни ҳал этиш мақсадида ташкил топган вақтинчалик бирлашмаларидир³⁶. Мазкур инвесторлар консорциуми иштирокида Орол лойихаси бўйича битим 2006 йилда имзоланди. 2007 йилнинг феврал ойида лойиха оператори – “Арал Си Оперейтинг Компани” қўшма корхонаси таъсис этилди. Қўшма корхоналар тузиш – стратегик шерикларнинг бир шаклидир. Шериклар қўшма корхонага капитални пул, моддий активлар, сотиш тугунлари ёки интеллектуал мулклар кўринишида киритади³⁷.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекнефтгаз” Миллий холдинг компаниясининг бевосита иштирокида Россиянинг “Лукойл” компанияси томонидан амалга оширилаётган “Қандим-Хавзақ-Шоди-Қўнғирот” участкалари бўйича 35 йил амал қилувчи лойихани амалга ошириш бўйича битим 2004 йил июнида имзоланди ва ўша йилнинг ноябрида кучга кирди. Лойихани 2004 йилда ташкил қилинган “Лукойл Ўзбекистон Оперейтинг Компани” операцион компанияси амалга оширади.

Геология-қидирув ишларини самарали амалга оширилиши “Лукойл” ОАЖ га Қандим-Хавзақ-Шоди-Қўнғирот участкалари ва Ҳисор минтақаси худудларида, шунингдек инвесторлар консорциуми иштирокида Орол денгизини Ўзбекистон қисмидаги конларда углеводород захираларини ошишини таъминлаш имконини берди. Шу вақтга қадар компания томонидан Ўзбекистоннинг нефть - газ комплексига учта лойиха бўйича киритилган тўғридан – тўғри инвестициялар ҳажми 2 млрд доллардан ошди. “Лукойл” компанияси иштирокида амалга оширилаётган барча лойихаларни амалга оширилиши босқичида ҳаммаси бўлиб 5 млрд доллар сармоя жалб этиш

³⁵ Ислом Каримов. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсади. – т. 15. Т.: «Ўзбекистон», 2007, 159-бет.

³⁶ Назарова Г.Г., Алиева М.Т., Сафаров Н.Ш. Халқаро бизнес стратегияси. Ўқув қўлланма. –Т.: “Тафаккур бўстони”, 2011, 41-бет.

³⁷ Икрамов М.А., Кўчаров А.Х. Стратегик менежмент: ўқув қўлланма. – Т.: Ғофур Ғулом, 2005, 209-бет.

режалаштирилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон томони углеводород хом ашёсини чуқур қайта ишлашда юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотни ишлаб чиқаришда ҳамкорлик қилишни ривожлантиришга кизиқиш билдирмоқда.

Нефть - газ соҳасида ҳам мавжуд бизнесда янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича қўшимча имкониятларни излаш ва улардан фойдаланиш алоҳида ўрин тутати³⁸. Замонавий технологияларсиз жаҳон бозори талабларига жавоб берувчи маҳсулот ишлаб чиқариб бўлмайди. Янги технологияларни, имкони бўлса, қўшма корхона тузиш йўли билан сотиб олиш, халқаро талабга жавоб берувчи маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни жаҳон ҳамда ички бозорга олиб чиқиш муҳим аҳамият касб этади³⁹.

Инновацион - технологик ривожланиш анча катта молиявий ресурслар ва муайян вақтни талаб этади. Нефть ва газ саноатини ривожлантириш нефть ва газни геологик-қидирув ишларини амалга оширишни, мавжуд қувватларни қайта жиҳозлаш, уларни углеводород хом ашёсини янада чуқурроқ қайта ишлашга йўналтириш, авиакеросин, дизель ёқилғиси ва бензинга бўлган ички эҳтиёжни тўлақонли қондиришни кўзда тутати⁴⁰.

“Ўзбекнефтгаз” МХК томонидан Россиянинг “Қозон машинасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси” ОАЖ билан ҳамкорликда ҳар бирини қуввати 16 МВт га тенг иккита компрессор блокларни ишлаб чиқарилиши амалга оширилди. Бу компрессор блоклар Қозон шаҳрида ишлаб чиқариладиган “Волга” типдаги газсўргич агрегатлари учун мўлжалланган. Биргаликда ишлаб чиқарилган ушбу ускуналар Ўзбекистон учун тайёрланиб, “Шўртан” газни сикадиган компрессор станциясида фойдаланилмоқда.

Лукойл компанияси, шунингдек И.М.Губкин номли Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент филиалини замонавий ўқув жиҳозлари ва ускуналари билан таъминлаб келмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг нефть-газ комплексидида келгусида ҳам Россия Федерациясининг нефть-газ компанияларини “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси билан узок йиллик тажрибаларга асосланган кенг қўламдаги ҳамкорлиги янада такомиллашиб бораверади ҳамда ҳар икки мамлакат халқларининг фаровонлиги учун хизмат қилади.

ЖАДИДЛАР ТОМОНИДАН БАНКЛАР ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЗАРУРИЯТИНИНГ АСОСЛАНИШИ

Р.К.Раҳимов- АндМИ доценти

Бозор иқтисодиёти шароитида пул муомаласини таъминлашда банклар муҳим рол ўйнайди. Банклар пул маблағларини тўплаш, жойлаштириш ва уларнинг ҳаракатини тартибга солиш билан шуғулланувчи иқтисодий

³⁸ Каттақшиев Б., Мамаюсов И. Стратегик менежмент фанидан практикum. – Т: “Фан ва технология”, 2008, 130-бет.

³⁹ Қосимова Д.С. Менежмент нразарияси. Дарслик. – Тошкент, “Тафаккур бўстони”, 2011. 143-бет.

⁴⁰ Ўзбекистон: жаҳон молиявий –иқтисодий инкирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш. – Т.: KONSAUDITINFORM-NASHR, 2011, 214-бет.